



ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ РАВИШДА ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Азбергенова Мунира Чаржаёвна

ҚДУ талабаси

muniraazbergenova5@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11170350>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 02-May 2024 yil

Ma'qullandi: 05-May 2024 yil

Nashr qilindi: 10-May 2024 yil

KEY WORDS

шартли ҳукм қилиш, синов
муддати, вояга етмаган шахс,
ахлоқан тузатиш, жазодан
қўзланган мақсад, қонунчилик
нормаси.

ABSTRACT

Мазкур мақолада вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш институти, унга оид умумий тавсиф ва мулоҳазалар, уни қўллаш тартиби ва жинойтчилик статистикаси таҳлил қилинган. Шу билан бирга чет эл давлатларининг жазо тизимида, хусусан Арманистон ва Эстония давлатларида ушбу чоранинг ўзига ҳослиги, қўлланиш тартиби ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ўрганилган.

Жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазо қўлланилиш жараёни жазо белгилаш, унинг ижро этилиши, жазони ўташдан озод қилиш ва жазо ижросини тугатиш каби босқичларни ўз ичига олади. Жазони ўташдан озод қилиш босқичларидан бири бўлган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институти ҳозирги кунда давлатимизда инсонпарварлик тамойилларини ўзида акс еттирган миллий қонунчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.

Олий суднинг статистик маълумотларига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этилган шахслар 2021 йилда 21 780 шахс, шундан вояга етмаган шахслар 1 213 тани, 2022 йилда 26 753 шахс, шундан вояга етмаган шахслар 1 429 тани, 2023 йилда 33 612 шахс, шундан вояга етмаган шахслар 1 290 тани ташкил қилганли бугунги кунда судлар томонидан одил судловни амалга оширишда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланаётганлигини кўришимиз мумкин [1].

Шартли равишда жазодан озод қилишда суд жиноят содир этишда айбдор деб топилган ва жазо тайинланган шахсни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган фикрга келса, маҳкумнинг зиммасига бир нечта мажбуриятларни юклаб, синов муддати берган ҳолда, жазодан озод қилади, агар синов муддати давомида маҳкум томонидан, жазони шартлилигини бекор қилувчи асослар содир этилмаса суд тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради, ёки жазони ижро этиш вақтида маҳкумнинг ахлоқини тайинланган жазони қолган қисмини ўтамастан ҳам тузатиш мумкин деган фикрга келса, тайинланган жазони қолган қисмини ўташдан шартли равишда озод қилади.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ вояга етмаган шахсларга жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш тартиби Жиноят кодексиинг 89-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ вояга етмаганларга жазони ўташдан шартли равишда муддатидан илгари озод қилиш учун қуйидагилар асос бўлади: жиноятни вояга етмаган ёшда содир этган бўлса; жиноят содир этканлик учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлиги; белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган бўлса, шунингдек, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддатларни ҳақиқатдан ўтаган бўлса тайинланиши мумкин.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва болалар масалалари бўйича комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади (ЖПК 536-модда).

Суд томонидан ушбу илтимоснома кўрилатганда жазонинг қонунда назарда тутилган қисмини ўташ пайтида (ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ушлаб турилган, қамоқда, уй қамоғида сақланган вақтни ҳисобга олган ҳолда) ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилиши мумкин [2]. Зеро, суд шахснинг ахлоқан тузалишига ва мажбурлов чоралари билан ахлоқ тузатиш ишларининг таъсир кўрсатиш зарур эмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Агарда суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин (ЖИК 164-модда).

Вояга етмаган ёшда жиноят содир этган шахсга жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш учун жазо ўташнинг энг кам зарур муддати ЖК нинг 89-моддаси учинчи қисмида белгиланган. Унга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин тайинланади.

Ушбу тартибда муддатларнинг белгиланиши содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига, ижтимоий алоқаларга таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Чунки ушбу муддат мобайнида жазонинг роли ва моҳияти қанчалик тўғри тушинилса, шунчалик жиноят содир этган шахсларга қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, жамият турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришига ёрдамлашади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан шартли ҳукм тушунчасига турли хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, профессор М. Рустамбоев шартли ҳукм қилишнинг

мазмун-моҳияти шундан иборатки, суд айблов ҳукми чиқараётиб, маҳкумга муайян жазо турини тайинлайди ва унинг миқдорини белгилайди, аммо тайинланган жазони шартли деб ҳисоблашга қарор қилади [3,6-648], дея умумий тушунча беради. Е. Редькина шартли ҳукмни суд жазо тайинлашда унинг тури ва миқдорини аниқлаб, маҳкумга жазони аниқ ўтамасдан, тузалишига имконият бериш орқали тайинланган жазони аниқ ўташдан шартли озод қилинишини қайд этади [4,6-10]. А. Островский эса, шартли ҳукм суд томонидан айбдор шахсга белгиланган муддат давомида янги жиноят содир этмаслиги ва унинг хулқ-атворини тузалишига қўйиладиган бошқа талабларга риоя этиш шарти билан аниқ жазони қўлламасликдан иборат бўлган чора эканлигини таъкидлаган [5,6-13].

Юқорида таъкидлаб ўтилган тушунчалар ҳар қил бўлмасин, жазодан озод қилишнинг ушбу тури жиноят содир этган шахсни қайта тарбиялаш ва ўз қилган ҳатосини тушиниб етишга қўмаклашишдан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида мазкур ҳуқуқий чоранинг белгиланишига турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Арманистон жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахс содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилган ва жиноят содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин. Агар маҳкум ҳақиқатда Жиноят қонунчилигининг 94-моддасида белгиланган муддатларни ўтаган бўлса:

- 1) оғир бўлмаган ёки ўртача оғирликдаги жиноят учун тайинланган жазонинг камида тўртдан бир қисми;
- 2) оғир жиноят учун тайинланган жазонинг камида учдан бир қисми;
- 3) ўта оғир жиноят учун тайинланган жазонинг камида ярми [6].

Эстония ЖК нинг 76¹-моддасига асосан суд жиноий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноятчини шартли равишда озод қилиши мумкин:

- 1) агар у тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини, лекин тўрт ойдан кам бўлмаган қисмини ҳақиқатда ўтаган бўлса, иккинчи даражали жиноят ёки эҳтиётсизлик натижасида биринчи даражали жиноят содир этилган бўлса;

- 2) биринчи даражадаги қасддан содир этилган жиноий ҳуқуқбузарлик учун, агар у тайинланган жазо муддатининг камида ярмини, лекин тўрт ойдан кам бўлмаган қисмини ҳақиқатда ўтаган;

- 3) жиноий ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноятчини, агар иккинчи даражали жиноят содир этилган бўлса ёки эҳтиётсизлик туфайли биринчи даражали жиноят содир этилган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини, лекин тўрт ойдан кам бўлмаган қисмини ҳақиқатда ўтаган бўлса суд шартли равишда озод қилиш чорасини қўллаши мумкинлиги кўрсатилиб ўтилган.

Эстония жиноят кодексининг 4-моддасига асосан жиноий ҳуқуқбузарликлар биринчи ва иккинчи даражали жиноятлар бўлиб бўлинган. Биринчи даражадаги жиноий ҳуқуқбузарлик - бу жиноят учун жисмоний шахс учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган энг оғир жазо. Юридик шахснинг жинояти, агар жисмоний шахс учун

энг оғир жазо билан бир хил қилмиш учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлса, биринчи даражали жиноят ҳисобланади. Иккинчи даражали жиноят - бу беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки моддий жазо назарда тутилган жазо [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш жиноят содир этган шахсга маълум даражада унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жиддий чекламасдан ахлоқан тузалишга, ижтимоий ҳаётга мослашишига, шу билан бирга қайта жиноят содир қилмаслиги учун назорат қилинишини таъминлайдиган жиноий жазодан озод қилишнинг бир тури.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. сайт жиноят 2023 йиллик.pdf (sud.uz)
2. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори, 27.12.2016 йилдаги 28-сон <https://lex.uz/docs/3115182>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/ М.Рустамбоев.-Тошкент:«Yuridik adabiyotlar publish»,2021.- 648 б.
4. Редькина Е.А. Региональная криминологическая характеристика преступлений, совершаемых условно осужденными несовершеннолетними, и их предупреждение: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2008. – С. 10.
5. Островский А.Л. Условное осуждение в российском и зарубежном законодательстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2007. – С. 13.
6. Criminal code of the republic of Armenia.Legislation: National AssemblyofRA<http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=eng>
7. The penal law of Estonia <https://www.riigiteataja.ee/en/eli/522012015002/consolideP>